

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Т.Бакиров

Комплекс сонлар: мактаб ва олий ўқув юртида..... 6

КИМЁ

Ф.Умуров, М.Амонова, М.Амонов

Флокулянт ва адсорбентлар ёрдамида оқова сувларни тозалаш жараёнини ўрганиш 13

С.Хушвақтов, М.Жураев, Д.Бекчанов, М. Мухамедиев

Поливинилхлорид асосидаги азот ва олтингургурт тутган поликомплексонга кобальт (II) ва хром (III) ионларининг сорбцияси..... 19

А.М.Хурмаматов, О.Т.Маллабаев, О.К.Ергашев

Нефтни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиладиган техник сувнинг қаттиқлигини пасайтириш ва юмшатиш бўйича тадқиқот натижалари 27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

О.И.Абдуғаниев, Б.А.Ўринова

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими ва барқарор ривожлантириш стратегияси..... 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Абдуллаев, К.Курпаяниди

Рақамли иқтисодиётда бизнес юритиш хусусиятлари 39

С. Исмоилова

Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўл-йўриқлари 44

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.Тошбекова

Глобаллашув шароитида мафкуравий тўқнашув ва унинг оқибатлари 50

А. Юлдашев

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясининг фаолиятини ривожлантириш хусусида 57

Д.Тошалиев

Рост мақомидан сарахбори рост шуъбасининг таҳлилий масаласига доир 63

ТАРИХ

М.Х. Исамиддинов, З.О. Раҳманов

Саразм ва Фарғона: ўзаро таъсир ва алоқалар 68

Х.Эшов

Маънавий таҳдидларга қарши кураш тушунчасининг генезиси ва эволюцияси 75

Р.Арслонзода, Х.Мамуров

Совет ҳокимияти оппонентларининг эсдаликлари тарихий манба (Ўзбекистон материаллари) асосида 82

У.Халмуминов

“Насабнома”ларда илк ўрта асрлар Фарғона тарихининг акс этиши 86

Н.Ҳамаев

Мухториятнинг тугатилиши ва истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши жадид матбуоти кўзгусида 91

D.Ismoilova, M.Khaitova

XIX охири - XX аср бошларида Ислом динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролининг тарихшунослиги ва манбашунослиги..... 97

УДК: 330.191.4

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ****ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СРЕДСТВ МЕСТНЫХ
БЮДЖЕТОВ****WAYS OF ENSURING EFFECTIVE USE OF LOCAL BUDGET FUNDS****С. Исмоилова¹****¹С. Исмоилова**

ФарДУ, мустақил изланувчи.

Аннотация

Мақолада Фарғона вилояти мисолида маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалалари ёритилган шунга хизмат қилувчи хулоса ва таклифлар шакллантирилган ҳамда улар илмий-амалий жиҳатдан асосланган.

Аннотация

В статье на примере Ферганской области освещены вопросы обеспечения эффективного использования средств местного бюджета, а также представлены научно-практически обоснованные выводы и предложения по ним.

Annotation

This article elucidates the issues of ensuring effective usage of local budget in the example of Ferghana region and presents scientifically-practical substantiations, suggestions and conclusions on their bases.

Таянч сўз ва иборалар: молиявий хатолик, моддий бойликлар камомади, бюджетдан маблағ ажратувчилар, бюджетдан маблағ олувчилар, ноқонуний харажат, ортиқча тўловлар, тикланган маблағлар, молиявий жавобгарлик.

Ключевые слова и выражения: финансовые ошибки, недостача материальных благ, донатор, реципиент, растрата, переплата, воспроизводимые средства, финансовая ответственность.

Key words and word expressions: financial fault, material shortfalls, budget donators, budget recipients, illegal cost, overpayment, reproducible resources, financial liability.

Бюджет маблағларининг қандай сарфланаётганлиги масаласига бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, бу ўринда гап, аслида, солиқ тўловчиларнинг маблағлари ҳисобидан бюджетда шакллантирилган маблағларнинг қандай сарфланаётганлиги хусусида кетмоқда. Шунинг учун ҳам бу маблағларнинг сарфланиши масаласига жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз маблағларининг қандай сарфланаётганлигига қандай муносабатда бўлса, шундай муносабатда бўлиш зарур. Бунинг устига, гап бу ўринларда жуда катта миқдордаги маблағларнинг қандай сарфланиши кераклиги тўғрисида кетмоқда. Мисол учун, биргина Фарғона вилояти кесимида олиб қарайдиган бўлсак, унинг 2019 йилдаги даражаси 1 642,7 млрд. сўмга тенг бўлган[1]. Шу вилоятнинг биргина

Қўштепа туманида эса ушбу кўрсаткичнинг миқдори 66,2 млрд. сўмни ташкил этган[2]. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Президентимиз томонидан вазифа "...бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш зарур"[3] тарзида қўйилаётганлиги бежиз эмас, албатта.

Энди маълум бир давр оралиғида маҳаллий бюджетлар маблағларидан қандай фойдаланилаётганлиги билан боғлиқ бўлган масалага ойдинлик киритайлик. Буни биз Фарғона вилояти мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Бу нарса, яъни бюджет маблағларининг қандай сарфланганлиги ўтказилган назорат тадбирлари натижасида маълум бўлганлиги учун эътиборимизни 1-жадвалда келтирилган маълумотларга қаратайлик.

**Фарғона вилоятида 2010, 2014-2019 йиллар кесимида ўтказилган
молиявий назорат тадбирлари натижалари**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						
		2010	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1	Ўтказилган назорат тадбирлари сони	1176	1844	1 798	2 339	1 161	249	775
2	Молиявий хатоликлар аниқланмаган назорат объектлари сони	249	260	125	281	262	48	40
	Уларнинг ўтказилган назорат тадбирлари сонига улуши	21,17	14,10	6,95	12,01	22,57	19,28	5,16
3	Молиявий хатоликлар аниқланган назорат объектлари сони	927	1584	1673	2058	899	201	535
	Уларнинг ўтказилган назорат тадбирлари сонига улуши	78,83	85,90	93,05	87,99	79,43	80,72	94,84
4	Аниқланган молиявий хатоликлар суммаси, млн. Сўм	1470,0	6379,3	10811,1	13144,1	14113,3	3305,4	8382,7
5	Пул маблағлари ва моддий бойликлар камомати ва ўзлаштиришлар, млн. сўм	346,1	2802,1	4786,7	3284,6	4083,9	1245,7	1550,1
	Уларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги улуши, %	23,54	43,92	44,28	24,99	28,94	37,69	18,5
6	Ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар, млн. Сўм	1124,0	3577,2	6024,4	9859,5	10029,3	2059,7	6832,6
	Уларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги улуши, %	76,46	56,08	55,72	75,01	71,06	62,31	81,5
7	Тикланган маблағлар, млн. Сўм	1351,6	5084,4	9498,5	12026,6	11106,4	2631,5	7550,0
	Уларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги улуши, %	91,95	79,70	87,86	91,50	78,69	79,61	90,1

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, унда Фарғона вилояти мисолида бюджет маблағларининг амалиётда қандай фойдаланилганлигини характерловчи бир нечта кўрсаткич келтирилмоқда. Уларнинг қаторига, жумладан, ўтказилган назорат тадбирлари сони, молиявий хатоликлар аниқланган назорат объектлари сони, аниқланган молиявий хатоликлар суммаси,

пул маблағлари ва моддий бойликлар камомати ва ўзлаштиришлар, ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар, тикланган маблағлар ва улар дастлабки учтасидан ташқари қолган ҳар бир кўрсаткичнинг жами аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги улушларини киритишимиз мумкин. Бу кўрсаткичларнинг сўнгги 20 йил давомидаги ўзгаришига эътибор бериш ва уларни қиёсий таҳлил этиш натижасида

маҳаллий бюджетлар харажатларидан самарали фойдаланишни таъминлаш нуқтаи назаридан қатор хулосаларга келиш мумкин. Уларнинг энг муҳимларини, қисқача, қуйида акс эттиришга ҳаракат қиламиз:

1. Фарғона вилояти бюджети маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашни кўзда тутиб, вилоят бўйича турли йилларда ҳар йили 248 тадан (2018 йил – бу йилда ўтказилган назорат тадбирлари сонининг кескин камайиб кетганлиги, жумладан, текширувларни кескин қисқартириш билан боғлиқ бўлган сиёсатимизга бориб тақалади) 2339 тагача (2016 йил) назорат тадбирлари ўтказилган. Умуман олганда эса, бундай миқдордаги назорат тадбирлари ўтказилишининг ўзиёқ бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш борасида муаммоларнинг мавжуд бўлишини олдиндан эътироф этилаётганлигидан ва уларнинг ҳамон узил-кесил ҳал қилинмаганлигидан дарак беради.

2. Шу даврда Фарғона вилояти бўйича молиявий хатоликлар аниқланган назорат объектлари сони 201 тадан 2058 тагача етиб борган. Умуман олганда, ўтказилган назорат тадбирлари сонига нисбатан молиявий хатоликлар аниқланган назорат объектлари сони 69,0%дан (2019 йил) 93,0%гачани ташкил этган. Бу, биринчи ҳолда ҳар 10 та назорат тадбиридан 7 таси ва иккинчи ҳолда эса 9 тасида молиявий хатоликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатапти. Йўл қўйилган молиявий хатоликларнинг бу даражаси эса, ўз навбатида, шу тарзда ҳам маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг ҳақиқий аҳволи қай даражада эканлигини яққол кўрсатади. Бироқ, бизнингча, бу ўринда муаммонинг қуйидаги бошқа жиҳатини ҳам қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ: вилоят доирасида ўтказилган назорат тадбирлари ҳар 10 тасининг биттасидан тортиб 3 тасигачаси молиявий натижасиз яқунланган. Бу, бир томондан, шу даражадаги субъектларнинг бюджет маблағларидан фойдаланишда хатоликларга йўл қўймаганлигини англатса ва у ижобий ҳолат сифатида эътироф этилса, иккинчи томондан эса, назорат тадбирларини ўтказиш ишлари режалаштирилаётганда маълум бир камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳам кўрсатапти.

Фикримизча, вилоят миқёсида назорат тадбирлари режаси ишлаб чиқиладиган пайтда муаммонинг бу жиҳатига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун ўзларининг сўнгги бир неча йиллик фаолиятлари давомида бюджет маблағларидан фойдаланишда хатоликларга йўл қўймасдан келаётган ва бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаётган субъектлар (бюджетдан маблағ олувчилар) фаолияти назорат остига олиниши керак эмас. Зеро, бюджет интизомига қатъий риоя этаётган субъектларга нисбатан назорат тадбирларини ўтказиш ўз маъносига эга эмас.

3. Фарғона вилояти бўйича назорат тадбирларини ўтказиш натижасида аниқланган молиявий хатоликлар суммасининг таҳлил қилинаётган давр оралиғида 1 470,0 млн. сўмдан (2010 йил) 14 113,3 млн. сўмгача (2017 йил) етиб борганлиги, албатта, ташвишли ҳол. Уларнинг бир қисми (18,5%дан (2019 йил) 44,3%гачаси (2015 йил) пул маблағлари ва моддий бойликлар камомати ва ўзлаштиришлар кўринишида, қолган асосий қисми эса, ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар (55,7%дан (2015 йил) 81,5%гачаси (2019 йил) шаклида намоён бўлган. Қанақа шаклда бўлишидан қатъий назар? бюджет маблағлари сарфланишининг қайд этилган ҳар икки шакли ҳам, энг аввало, уларнинг самарасиз сарфланганлигини билдиради. Бу ерда энг ачинарли ҳол, бизнингча, бундай ҳолат вужудга келишининг амалиётда барқарор таркиб топаётганлигидир. Масала кун тартибига бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш йўналишида қўйилаётган ҳозирги пайтда амалиётда бундай ҳолат барқарор таркиб топаётганлигига бефарқ қараб бўлмайди. Шу боис бу борада унинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган кескин чораларни кўриш фурсати аллақачон етиб келган, деб ҳисоблаймиз (улар тўғрисида, умумийлаштириб, сал кийинроқ тўхталамиз).

4. Жадвал маълумотларида акс эттирилганидек, амалиётда йўл қўйилган молиявий хатоликлар маълум бир қисмининг қайта тикланишига ҳам эришилмоқда. Бу қайта тикланган маблағларнинг жами аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги салмоғи 78,7%дан (2017 йил)

92,0%гачани ташкил этмоқда. Бироқ, назаримизда, бундан хотиржамликка берилмаслик керак. Чунки, биринчидан, амалиётда йўл қўйилган молиявий хатоликларнинг энг камида қарийб 10,0%га яқинини умуман қайтаришнинг иложи бўлмапти. Иккинчидан, уларнинг маълум бир қисми қайта тикланган бўлишига қарамасдан бу ерда қўлдан чиқарилган имкониятлар ва самаралар ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

1-жадвал маълумотларини оддий таҳлил қилиш натижасида чиқарилган хулосалар ана шулардан иборат. Улардан келиб чиқадиган умумий хулосани, қисқача, қуйидагича ифодалашимиз мумкин: а) алоҳида олинган вилоят миқёсида ҳам катта миқдордаги бюджет маблағларининг сарфланишига тўғри келмоқда; б) амалиёт бу маблағлар бир қисмининг самарасиз сарфланаётганлиги кўрсатмоқда; в) бюджет маблағларининг сарфланишида ҳар йили узлуксиз равишда молиявий хатоликларга йўл қўйилмоқда ҳамда бунинг натижасида пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомади вужудга келмоқда ва ўзлаштиришлар содир бўлмоқда, шунингдек, ноқонуний харажат ва ортиқча тўловларга ҳам йўл қўйилмоқда; г) буларнинг бари бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўналишида кескин чораларнинг кўрилишини тақозо этмоқда.

Бундай вазиятда ҳозирги шароитда ва яқин истиқболда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун нима қилиш керак, деган саволнинг кун тартибига қўйилиши табиий, албатта. Фикримизча, юқорида амалга оширилган таҳлил натижалари, уларга асосланиб туриб чиқарилган мантиқий хулосалар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва ҳ.к.лар бу йўналишда, жумладан, қуйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни узил-кесил амалиётга жорий этишни тақозо этади: 1. Бюджет маблағларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари ёки принципларига қатъий риоя этиш ва уларнинг амалиётда тўлиқ қўлланилишига эришиш. Бизнинг фикримизча, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг энг катта заҳираси, энг аввало, айнан ана шу ерда жойлашган. Агар

бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, амалда бюджет маблағларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари ёки принципларига қатъий риоя этиш 100,0%га таъминланса, бу маблағларнинг самарали фойдаланилишини таъминлаш муаммоси барҳам топади. Бироқ, мамлакатимиз амалиётида бунинг айнан шундай эканлигига ишонувчилар (бюджетдан маблағ ажратувчиларда ва бюджетдан маблағ олувчиларда ҳам), афсуски, кўп эмас. Шунинг учун ҳам амалиётда уларнинг ўрни сезилмайди ва уларни ҳар қадамда инкор этиш ҳоллари содир бўлаверади. Бунинг натижаси эса, охир оқибатда, бюджет маблағлари маълум бир қисмининг самарасиз (молиявий хатоликларга йўл қўйиш, пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомади ва ўзлаштиришларнинг содир бўлиши, шунингдек, ноқонуний харажат ва ортиқча тўловларнинг амалга оширилиши ва ҳ.к.) сарфланишига олиб келади.

Шунинг учун бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишларнинг дастлабкиси, бизнингча, ҳар икки томондагиларда (бюджетдан маблағ ажратувчилар ва бюджетдан маблағ олувчилар) бюджет маблағларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари ёки принципларига нисбатан муносабатни ижобий томонга кескин ўзгартириш бўлиши керак. Иккала томондагилар ҳам ўша тартиб-қоидалар ёки принципларнинг ҳар бир бузилиш ҳолати, албатта, бюджет маблағларининг самарасиз сарфланишига олиб келиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши ва шунинг учун ҳам унга қарши ҳаракат қилиши лозим.

Халқаро тажрибанинг кўрсатишича ҳам, агар амалиётда ўрнатилган тартиб-қоида ёки принципларга қатъий риоя этилмас экан бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш муаммоси ҳамон ҳал этилмасдан қолаверади.

2. Бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш жараёнида бюджетдан маблағ ажратувчилар ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг масъулияти ва молиявий жавобгарлигини кескин ошириш.

Бир неча йиллик амалий маълумотларнинг батафсил ўрганиб чиқилиши, бу йўналишда мамлакатимиз

амалиётида таркиб топган вазият ва ҳ.к.лар бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш муаммосини шу жараёнда бевосита иштирок этаётган шахсларнинг масъулияти ва молиявий жавобгарлигини кескин оширмасдан иложи йўқлигини кўрсатмоқда. Зеро, буни юқоридаги 1-жадвалда келтирилган маълумотларимиз ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Бу йўналишдаги масъулият ва жавобгарликнинг даражаси шу аҳволдаки, ҳатто кейинги бир неча йиллик маълумотларни таҳлил қилиш натижасида ҳам бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашга нисбатан бирор-бир тенденцияни аниқлашнинг иложи йўқ. Бунинг устига, республикамиз биргина Фарғона вилоятининг ўзида аниқланган молиявий хатоликларнинг умумий суммаси айрим йилларда 10,0 млрд. сўмдан ошиб кетмоқда. Уларнинг пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар тегишли бўлган қисми эса баъзи йилларда 5,0 млрд. сўмга, шунингдек, ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар суммаси ҳам 10,0 млрд. сўмга етиб бормоқда (1-жадвал маълумотларига қаранг).

Назаримизда, вилоят бўйича ҳар йили бундай ҳолатнинг вужудга келаётганлиги ва унинг, ўзгарувчан суммаларда бўлса-да, деярли доимийлик касб этаётганлигини бу йўналишда тегишли шахсларнинг масъулияти ва молиявий жавобгарлигидан айро ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Турли йилларда самарасиз сарфланган бюджет маблағларининг кўлами ҳатто шу даражадаки, уларни эътиборга олган ҳолда бунга дахлдор бўлган шахслар бу йўналишдаги масъулият ва молиявий жавобгарликни деярли ҳис этмаганлар, дея хулосага келиш мумкин. Акс ҳолда, айрим йилларда бир йил давомида молиявий хатоликка йўл қўйиб сарфланган бюджет маблағларининг суммаси бунчалик катта миқдорни ташкил этади, деб хулоса чиқариб бўлмайди.

Шу муносабат билан, бизнингча, ушбу ҳолатни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартишларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бу нарса кўпроқ ҳуқуқий жиҳат касб этганлиги учун биз бу ўринда, қисқача, қуйидагини қайд этиш билан чекланамиз,

ҳолос: бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш борасида йўл қўйган хатоликлари учун тегишли аниқ шахсларнинг молиявий жавобгарлиги улар сезиларли даражада ҳис қиладиган миқдорда бўлиши керак (мисол учун, ҳозиргисига нисбатан бир неча баробар юқори даражада). Уларнинг миқдори шу даражада таъсирчан бўлиши керакки, тегишли шахс навбатдаги марта бюджет маблағларини ноқонуний, мақсадсиз ва самарасиз тарзда сарфлашга уринмасин ёки ҳаракат қилмасин.

3. Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш.

Ҳаёт ва амалиёт объектив реаллиги шундан иборатки ва уни юқоридаги 1-жадвалда келтирилган рақамлар яна бир марта тасдиқлаб турибдики, ҳозирги Ўзбекистон шароитида, афсуски, бюджет маблағларини самарали сарфланишини таъминлаш муаммосини ҳозирча бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтиришсиз ҳал қилишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам бугунги кунда вазифанинг “Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур”[4] тарзида қўйилаётганлиги бежиз эмас.

Бизнингча, мамлакат миқёсида вазифа бу тарзда қўйилишининг камида икки сабаби бор. Унинг биринчиси мамлакатимиз амалиётида бюджет маблағларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари ёки принципларига етарли даражада ва қатъий риоя этилмаётганлиги бўлса, иккинчиси шу жараёнда банд бўлган шахсларнинг бу маблағлардан фойдаланиш борасидаги масъулият ва жавобгарликни худди шундай даражада ҳис этмаётганлигидир. Йилига миллиардлаб бюджет маблағларини сарфлашда молиявий хатоликларга йўл қўйилаётганлигининг асосий сабаби ҳам ана шу юқоридаги икки ҳолат билан белгиланади, назаримизда. Бу нарса йилдан-йилга узлуксиз равишда давом этиб келаётган экан (буни 1-жадвалда келтирилган маълумотлар тасдиқламоқда), бундай шароитда муаммони ҳал этиш ёки унинг олдини олишнинг асосий йўлларида бири сифатида, Президентимиз таъкидлаганидек, бюджет маблағларининг

мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш қолади, холос.

Аслида шундай бўлса-да, лекин бундай шароитда ҳар қандай назоратнинг ва, шу жумладан, бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш устидан назоратнинг янада кучайтирилишини бу жараён иштирокчилари (бюджетдан маблағ ажратувчилар ва ундан маблағ олувчилар) табиий равишда қабул қилмайдилар. Уларнинг ўзига хос эътирозлари (ишга халақит бериш, бўлар-бўлмасга аралашуш ҳоллари, эркинлик берилмаслиги, мустақиллигига аралашув ва ҳ.к.лар) ҳам бўлиши мумкин. Шу муносабат билан қуйидаги фикримизни қайд этмоқчимиз: бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратнинг янада кучайтирилишини истамайдиганлар бюджет маблағларининг молиявий хатоликларсиз қонуний, мақсадли, оқилона ва самарали сарфланишига

эришишлари керак. Ўшанда назоратнинг кучайтирилишига ҳожат қолмайди.

Шундай қилиб, ушбу мақоламиз доирасида биз Фарғона вилояти мисолида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига эътиборимизни қаратдик ва шунга хизмат қилувчи хулоса ва таклифларимизни шакллантиришга ҳамда уларни илмий-амалий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдик. Бизнингча, шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган таклиф-тавсияларимиз биргина Фарғона вилоятига дахлдор эмас. Худди шундай ҳолатга республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам дуч келишимиз мумкин. Ушбу муаммо ҳар бир вилоятдаги туманлар кесимида кўриб чиқилганда ҳам чиқарилган хулосаларимиз ва ишлаб чиқилган таклиф-тавсияларимиз ўз кучида қолади ва аҳамиятини йўқотмайди, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Ваҳобов А., Маликов Т. “Молия”. Дарслик. –Т.: Ношир, 2011 й.
2. Ваҳобов А., Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар”. Ўқув қўлланма, –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008.
3. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. “Бюджет назорати ва аудити”. Ўқув қўлланма, –Т.: info COM.UZ. МЧЖ нашриёти, 2010 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. 25 январь, 2020 йил.
5. Фарғона вилоят Молия бошқармаси маълумотлари.
6. Фарғона вилояти Қўштепа туман молия бўлими маълумотлари.

(Тақризчи: М.Адхамов – иқтисод фанлари доктори, профессор).